

O'zbekiston ovozi

Barchaga g'amxo'rlik – davlatning burchi



Мақсада Ворисова
**ПРЕЗИДЕНТЛИККА
БҮЛГУСИ НОМЗОД**

МАҚСУДА АЗИЗОВНА ВОРИСОВА
1961 ЙИЛДА ТОШКЕНТ ШАХРИДА
ТУФИЛГАН. МАЪЛУМОТИ – ОЛИЙ. 1984
ЙИЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИНИ ТАМОМЛАГАН.
МУТАХАССИСЛИГИ – ШИФОКОР. ОИЛАЛИ,
УЧ НАФАР ФАРЗАНДИ БОР. ЎЗБЕКИСТОН
ХДП АЎЗОСИ.

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ 1984 йилда
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
КЛИНИКАСИДА БОШЛАГАН. 1987-2018
ЙИЛЛАРДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЗАНГИОТА
ТУМАНИ “НАЗАРБЕК” ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК
ПУНКТИ ШИФОКОРИ, 2013 йилдан ушбу
ПОЛИКЛИНИКА МУДИРИ СИФАТИДА
ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН.

2009–2014 ЙИЛЛАРДА ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ ЗАНГИОТА ТУМАН КЕНГАШИ
ДЕПУТАТИ, 2015-2019 ЙИЛЛАРДА
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ
КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ, ШУНИНГДЕК,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЎЗОСИ БЎЛИБ,
МАМЛАКАТИМIZНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ,
ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИНИ
КУЧАЙТИРИШГА ҲИЗМАТ ҚИЛАДИГАН
ҶАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИДА
БЕВОСИТА ҚАТНАШИБ, УЛКАН ТАЖРИБА
ТҮПЛАГАН.

2018 ЙИЛДАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ
КЕНГАШИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ, 2019 йилда
ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ДЕПУТАТИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАР СОҒЛИФИНИ
САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ ҚўМИТАСИ РАИСИ
ЎРИНБОСАРИ, ШУНИНГДЕК, ПАРЛАМЕНТ
ҚУЙИ ПАЛАТАСИНинг ОИЛА ВА АЁЛЛАР
МАСАЛАЛАРИ КОМИССИЯСИ РАИСИ
ВАЗИФАЛАРИДА СЕРҚИРРА ВА САМАРАЛИ
МЕҲНАТ ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА.

2018 ЙИЛДА 1 ДАРАЖАЛИ “СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНГАН.

ЯНГИЧА ҚИЁФА ВА ТАКТИКА БИЛАН ФАЛАБА УЧУН КУРАШАМИЗ! 2



ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА
ДЕЛЕГАЦИЯМИЗ З ТА
ОЛТИН ВА 2 ТА БРОНЗА
МЕДАЛИНИ ЖАМГАРИБ,
УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА
206 МАМЛАКАТ ОРАСИДА
32-ҮРИННИ ЭГАЛЛАДИ.
ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ
ОРАСИДА ХИТОЙ,
ЯПОНИЯ, КОРЕЯ
РЕСПУБЛИКАСИ ВА
ЭРОН КАБИ СПОРТДА
ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРДАН
КЕЙИН БЕШИНЧИ, МДХ
МАМЛАКАТЛАРИ ОРАСИДА
РОССИЯ ОЛИМПИЯ
ҚўМИТАСИДАН КЕЙИН
ИККИНЧИ, ТУРКИЙ
ДАВЛАТЛАР ОРАСИДА
ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ
МИНТАҚАСИДА БИРИНЧИ
Бўлдик.

Ишонч билан айтиш керакки, бўлажак Президент сайлови партияларо рақобат, фуқароларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги кучайиб бораётган шароитда ўтади.

11-avgust, chorshanba, 2021-yil.
№30 (32672)

ЯНГИЧА ҚИЁФА ВА ТАКТИКА

Марказий сайлов комиссияси томонидан жорий йилнинг 23 июль кунидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясига старт берилди.

7 август куни пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленумида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг муносаби иштирокини таъминлаш билан боғлиқ муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Пленумда бу йилги сайловида Ўзбекистон Халқ демократик партия-сидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод кўрсатиш, партиянинг навбатдаги қурултойини чақириш ва унинг кун тартиби, партия қурултойига вакиллик мөъёри ва уларни сайлаш тартиби тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштироки тўғрисидаги масала юзасидан партия Марказий Кенгаши раиси Улугбек Иноятов сўзга чиқди.

— Аввало таъкидлаш керакки, давлат хокимиятини эркин ва ошкора, муқобиллик асосида ўтадиган сайловлар орқали шакллантириш демократиянинг олий кўринишидир. Фуқаролар сайлов орқали давлат бошқарувидаги ўзининг овози, сиёсий иродаси билан бевосита иштирок этади.

Сайлов кодекси сиёсий партияларга давлат бошқарувини ташкил этиш, фоя ва мақсадларни кенг ҳамда эркин тарғиб килиш имкониятини беради. Сайловчилар сиёсий иродасини билдиришда бир катор кулаӣ шароит ва имкониятларга эга бўлади.

Қонунчиликда Президент сайловини мамлакатимиз фуқаролари умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш ўйли билан амалга оширишлари белгилаб кўйилди. Ушбу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатлари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, сайловчиларга сиёсий хошиг-иродасини эркин билдириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Президентликка номзод кўрсатадиган сиёсий партияларга эса сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар бериш тамоилларига асослангани билан аҳамиятидир.

Юқоридагиларга асосан ишонч билан айтиш керакки, бўлажак Президент сайлови партияларо рақобат, фуқароларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги кучайиб бораётган шароитда ўтади. Президент Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувидаги энг муҳим лавозимидир. Шу маънода сайлов нафақат номзодлар, сиёсий партиялар учун, балки сайловчилар, яъни ҳалқимиз учун ҳам катта синов, улкан имкониятидир.

Агар таққослаб кўрадиган бўлслак, одамларнинг бугунги дунёқарashi билан бундан 5-10 йил олдинги тушунча ва тасавvuru орасида ер билан осмонча фарқ бор. Ҳозир фуқаролар сайлов тизими ва тартибини, ўзининг сайлаш, сайланиш ҳуқуқини яхши идорк этади. 2019 йил парламент ва махаллий Кенгашларга ўтказилган сайловлар фуқаролардаги сиёсий ирода ва талабчанлик ўсганини яққол кўрсатди, деди партия етакчиси.

Сиёсий партиянинг жамиятдаги нуфузи ва роли унинг электорат манфаатларини қай даражада ҳимоя қилаётгани, жойлардаги муаммоларнинг ечими юзасидан қандай ташаббуслар билан чиқаётганига қараб белгиланади, албатта.

Жорий йилги сайловда партиянинг иштироки тўғрисидаги масала 27 юль куни ХДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг мажлисида кўриб чиқилди. Мамлакатимиз ҳаётидаги улкан сиёсий ва тарихий жараёни, яъни Президентлик сайловида партиямизнинг муносаби иштирокини таъминлаш бугунги кундаги энг муҳим сиёсий вазифа, деган қарор қабул килинди.

Сайлов Кодексининг 34-, 69-моддаларига мувофиқ, сайлов комиссиясининг мажлислирида иштирок этиш ҳамда партия манфаатларини ифодалаш бўйича партиямиз Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улугбек Назарович Бафовер партиянинг ваколатли вакили этиб белгиланди.

Сайлов кодексининг 63-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссиясига партиянинг Президент сайловида иштирок этиши юзасидан жорий йилнинг 15 август кунига қадар ариза билан мурожаат этиш масаласида бир қарорга келиш кераклиги кайд этиди.

Партия етакчиси Президент сайловида Халқ демократик партиясидан номзод кўрсатиш масаласига атрофлича тўхталиб ўтди.

— Энг аввало шуни таъкидлаш керакки, карийб ярим миллиондан ортиқ партиядошларимиз орасида юкори даражадаги давлат бошқарув органлари раҳбарлари, сиёсат ва жамоат арбоблари, ўз соҳасининг етук мутахассислари, бир сўз билан айтганда, юртимиз равнаки ва тараққиётiga салмоқли хисса кўшиб келаётган шахслар жуда кўп, деди партия раиси.

Жаҳон тажрибаси ва партиямизнинг 30 йиллик сиёсий майдондаги фаолияти,

қабул қилиш партия Марказий Кенгаши пленуми ваколати ҳисобланади. Шуни эътиборга олган ҳолда, партияниң XII қурултойига делегатларни сайлашнинг вакиллик мөъёри Қорақалпогистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан тенг микдорда – 7 делегат, жами 98 делегат этиб белгилаш таклифи маъқулланди.

Коронавирус пандемияси ҳамда юртимиздаги карантин қоидаларини эътиборга олган ҳолда, минтақавий партия қенгашларига жорий йилнинг 23-27 август кунлари тегиши пленумларини чақириб, партияниң XII қурултойига делегатлар сайлаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқиш белгиланди.

Пленумда партия раиси яна бир долзарб масалага алоҳида эътибор қаратди:

— Ҳаёт, тараққиёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Шубҳасиз, жамиятда барча муносабатлар муйян даражада ўзгариб, ўзида замонавий талабларни акс этириб боради. Биздан ҳам электоратимиз вакиллари, аъзоларимиз, ҳалқимиз янгила иш усуллари, янгила гоя, дастур, рамз ва чакирикларни кутишмоқда.

27 юль куни Ижроқўм йигилишида партияни ребрендинг қилиш, унинг сиёсий брендини яратиш бўйича бир қатор таклифлар илгари сурилди. Партиядошларимиз, фаолларимиз ва мутахассислар қўллаб-куватлаган янги логотип параллелограмма шаклида бўлиб, бинафша ва оқ рангда акс этирилган.

Рамздаги бинафша ранг – меҳр-оқибат, фаровонлик, саховат рамзи бўлиб, етакчилар, лидерлар ранги ҳисобланади. Ушбу ранг партия ўз электорати вакиллари манфаатини ҳимоя қилишга, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга ва қўллаб-куватлашга доимо тайёр эканига ишорадир.

Оқ ранг – мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаёт ҳукм суратганигини билдириб, ижтимоий бирдамлик, анъаналарга содиклик, поклик ва эзгулини ифодалайди.

Президент сайлови кампаниясига ҳал қиливчи, энг қизғин жараёнларига янгила гоя ва ташабbusлар, янгила қиёфа, кўтарикинни кайфият билан кириб бормоқдамиз.

Олдимизда жуда масъулиятили ва шарафли вазифалар туриди. Уларнинг ижросини юкори савияди, бир тану бир жон бўлиб, уюшқолни билан таъминлашимишизга ишонаман, деб таъкидлари партия Марказий Кенгаши раиси У.Иноятов.



тўплаган тажрибаси ҳамда сиёсий қарашларини эътиборга олган ҳолда, партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси аъзолари партия фоаллари билан маслаҳатлашиб, кўплаб таклифларни ўргандик.

Партия Уставининг 6-боб, 6-бўлим, 5-банди талабларидан келиб чиқиб, партияниң қурултойига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзоди этиб Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Қонунчилик палатаси депутати, Фуқароларнинг соғлиғини саклаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Азизовна Ворисованинг номзодини кўрсатиш тақлиф этилмоқда, деди ХДП раиси У.Иноятов.

Шундан сўнг номзод ҳақидаги маълумотлар тақдим этилди.

Мақсадда Ворисова қатъий сиёсий иродага эга, жамият манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйишдек фазилат соҳибаси, фидойи раҳбар сифатида партияниң кўп минг сонли аъзолари ва ҳалқимиз ўртасида катта ҳурмат, эътиборга эга. У Халқ демократик партиясининг электорати бўлган эътиёжманд фуқароларни сифатида тиббий хизмат билан таъминлашда бирламчи бўғинда узоқ йиллар фидойилик кўрсатган. Унинг тақлифлари ва шахсий ташабbusи асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахоли саломатигини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни ҳәётга тадбиқ этиш бўйича Парламент комиссияси ташкил қилинган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ушбу комиссияни самарали фоалият олиб боришига масъул этиб белгиланган. М.Ворисова кўп йиллик депутатлики, сенаторлик фоалияти давомида давлат ва жамият бошқаруви, ички ва ташки сиёсат, ҳуқуқ ва ижтимоий ҳимоя масалаларида улкан тажриба тўплаган, ҳалқ ҳақида ғамхўрлик қиливчи, тажрибали сиёсатчи аёллардан биридир.

Мақсадда Азизовна Ворисовани Президент сайловида номзод сифатида кўрсатишимиз партияни тархида янги саҳифа очади, Халқ демократик партиясидан Президентлик учун биринчи аёл номзод бўлади, деди Улугбек Иноятов.

Партия Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси аъзолари, фоаллар ҳамда фарҳийларининг тақлиф ва истакларини эътиборга олиб, Мақсадда Азизовна Ворисованинг номзодини бўлажак Президент сайловига номзод сифатида кўрсатиш ҳақидаги масалани партияниң қурултойига киритиш юзасидан тақлиф билдирилди.

Пленум аъзолари ушбу тақлифни бир овоздан кўллаб-куватлади.

Партияниң XII қурултойини 2021 йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳрида чакириш белгиланди.

Курултой кун тартибидан "Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида"ти ҳамда "Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастури тўғрисида"ги масалалар ўрин оладиган бўлди.

Партия Уставига мувофиқ, партия қурултойини чакириш, тақлиф этилаётган кун тартиби, вакиллик мөъёри ва делегатларни сайлаш тартиби тўғрисидаги қарорларни

Болаларни тиланчиликка жалб этиш – мажбурий меҳнат ва унинг учун жавобгарлик белгиланган.

11-avgust, chorshanba, 2021-yil.
№30 (32672)



ХАЁТ ВА ОРЗУ ЧОРРАҲАСИДАГИ ЎЙЛАР

**Сарлавҳани ўқиб,
шунчаки кўнгил учун
ёзилган мақола экан-
да, деб хулоса қилишга
шошилманг. Бу мавзу
бир кўнгилнинг
ўртанишлари эмас,
аллақачон кун
тартибимиздан чиқиб
кетиши керак бўлган
мавзу эди! Эди!
Афсуски, ўзгариш
бўлмади, қайтага, янги
манзараларга кўзимиз,
кўнглимиз ўрганиб
бораяпти – энг ёмони шу!**

лика чиқариш мажбурий меҳнат саналмайдими? Жонажон ҳукуматимизнинг бу борадаги тушунарсиз позицияси яна қанча давом этади – ҳеч ким билмайди.

Ахир, бу борада конунларимизда ҳам, шариатимизда ҳам қатор тартиблар белгиланган.

ИМОМ-ХАТИБНИНГ ҲАҚИҚАТИ

— Кимdir ёш болани тиланчиликка чиқараётган бўлса, яна бошқаси бирорвинг боласини кўлига олиб, одамларнинг раҳмини келтиришга уриняпти. Ҳар икки ҳолатни ҳам оқлаб бўлмайди, — дейди Тошкент шаҳридаги "Катта Қозирабод" жомеъ масжиди имом ноиби Ҳасан Йўлдошев. — Зеро, бу боланинг тарбиясига, маънавиятига ва албатта руҳиятига салбий таъсир кўрсатди. Шариятга кўра, ота-онага аввало фарзандига яхши исм кўйиш, кейин эса унни яхши хулиқи, одоб-ахлоқли, заковатли қилиб тарбиялаш фарз хисобланади. Шу сабабли болаларни ўқимишли, билимли бўлиб камолга етиши ота-она масъул ва жавобгардир.

Бугун тиланчилик қилиб, бирорвинг бергани билан кун кўришга одатланган бола эртага на динимизга, на жамиятимизга фойда келтиради. Мазкур масалада Расуулulloh С.А.В.нинг муборак ҳадислари бор. Унда: "Кимки тиланчиликка кўл очса, Яратган ўша бандага факирик эшигини очади", дейлади. Тўрт мучаси соғ бўлиб яралибди, у мешнатга қодир.

Шу боис, шариатимизда ақл-идкори, тафаккурни ишлатиб, пешона тери билан пул топиш буюрилади. Узгалардан тиланиб олинадиган луқма кораланади.

ЭҲСОН ҲАҚИҚАТИ

Узоқ ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўргач, бир қарорга келдим: тиланчига берилган пул эҳсон бўлавермаслиги мумкин!

Аслида эҳсон ва зекот бутунлай бошқа тушунчалар бўлиб, тиланчиликнинг уларга алоқаси йўқ. Сабаби, эҳсон бу бир инсоннинг хоҳишига бора бошқа бир шахсга бериладиган моддийликлар бўлса, зекот фарз хисобланади. Шарый истилоҳда: «**Зекот – махсус молдан махсус жузни махсус шахсга Аллоҳнинг розилиги учун шариатда тайин қилингандек мулк қилиб беришдири**». Яна ҳам соддороқ қилиб айтганда, зекот ҳам ислом фарзларидан бири бўлиб, поклениша ва шу орқали ибодатга тенгидir. Бас, шундай экан, болаларимизни меҳнатга ўргатиш бурчимиздир.

Вояга етамаган

шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади.

Бундай ҳолат аниқланган тақиқларидан, ЭКИҲнинг 5

бараваридан 10 бараваригача

миқдорда жарима солишига ёки 15 суткагача муддатга

маъмурий қамоққа олишига

сабаб бўлади. Шунда ҳам ўз қилимшиларини давом

эттирадиган кишишларга

ЭКИҲнинг 100 бараваридан

200 бараваригача миқдорда

жарима ёки 360 соатгача

мажбурий жамоат ёхуд 2

йилгача ахлоқ тузатиш

ишилари тайинланади.



ҚОНУН ҲАҚИҚАТИ

Болаларни тиланчиликка жалб этиш – мажбурий меҳнат ва унинг учун жавобгарлик белгиланган.

Аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари худудларида ва бошқа жамоат жойлашибирида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бошқа моддий қимматликлар берини

фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланиш ЭКИҲнинг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солишига ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишига сабаб бўлади. Ушбу меъёр автомототранспорт воситалари вақтичча сақлаш жойлашибирида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов кисмиди, моддий маддани мерос объектлари жойлашибирида, жамоат транспортининг барча турларидан ана шундай харакатларни амалга оширганлик учун ҳам белгиланган.

Маъмурий жазо чораси кўлланилганидан кейин бир йил давомида ушбу фаолиятига давом эттирадиган тақиқларидан, ЭКИҲнинг 5 бараваридан 1 бараваригача мажбурий жамоат ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишилари ёхуд 1 йилгача озодликни кеълаш, ҳаттоқи, озодликдан маҳрум қилишини ҳам назарда тутади.

Бунда, айниқса, вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади. Бундай ҳолат аниқланган тақиқларидан, ЭКИҲнинг 5 бараваридан 1 бараваригача миқдорда жарима солишига ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишига сабаб бўлади. Шунда ҳам ўз қилимшиларини давом эттирадиган кишишларга ЭКИҲнинг 100 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 360 соатгача мажбурий жамоат ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишилари тайинланади. Бундан ташқари, 1 йилдан 3 йилгача озодликни кеълаш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ҳам кўлланилиши мумкин.

**Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасида-
ги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.**

БИЗ БИЛГАН ҲАҚИҚАТЛАР ҲАҚИДА

Болаларни мажбурий меҳнатда жалб этиш уларнинг ҳуқуқларини поймой қилиди ва бунга халкнинг мазкур йўнишларига салоҳияти, дунёкариши пастлиги ҳам сабаб бўлади.

Чунки одамларда фарзандининг кўлидан иш келиб қолдими, бас у ота-онасига қарашиши, керак бўлса, пул топишни лозим. Ушбу ҳолатда қанчалик мухим бўлмасин, унинг тарбияси, билимли бўлиши охирги даражаларга тушиб колади. Базъида "ўқиб олим бўлариди", деган қарашларга ҳам дуч келамиз. Бу эса эски замонлардан қилиб кетган тушунчалардир.

Хозирчи? Нега ҳали ҳамон ота-оналар болаларни ишлашга унданмоқда? Ўғил-қизлар нозик елкасига улкан горнинг юқини ортмоқда? Ота-оналар шу қадар бемехр, қаҳри қаттиқ бўлиб кетмагани аниқ. Айниқса, оналар боласининг оёғига тош ботишини ҳам истамайди. Масала эса анча чукур. Фикрлар эса ранг-баранг. Яни, айрим аёллар эри ташлаб кетгани учун аламини боладан олиб, уни ишлатиши мумкин ёки ўзи иш топа олмагани боис мажбуран фарзандини пул топишга чиқариди. Ҳар икки ҳолатда ҳам боланинг тақиқлари хавф остида қолиши, келажак ҳақидаги улкан орзулар ўрнини рўзгор ташвиши эгаллаши турган гап.

Шу боис факатгина конунларни тақомилаштириш билан одамларнинг тушунчаси ўзгариб колмайди. Уларга тўғри тушунтириш, боласига бугун сарфлаётган маблағи келажаги учун сармос эканини англатиши зарур.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" мухбари.**



ДАВЛАТ КИМГА
50 ФОИЗ
ЧЕГИРМА БЕРДИ?

Давлат хизматлари марказлари томонидан қамраб олинган хизматларни кўрсатиши муддати ва талаб этиладиган ҳужжатлар сони сезиларни даражада қисқартирилди. Аммо шу билан бирга давлат хизматлари марказлари томонидан айрим хизматларни кўрсатиши муддатларининг узоқлиги, тўловларнинг юқорилиги, шунингдек, аксарият давлат органларининг зарур маълумотлари тўлиқ рақамлаштирилмаганлиги ушбу ўйнишда зарур чоралар кўришина тақозо этади.

Соҳадаги охирги янгиликлар, куйларликлар ҳакида Адлия вазирлиги хуздидаги давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошили ўринбосари Баҳтиёр Аҳмедов куйдагиларни маълум қилиди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 июлдаги фармонига асосан ахолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламларни кўллаб-куватлаш бўйича ишларни жадаллаштириш, давлат хизматлари сифатли кўрсатилишини таъминлаш, турли тоифадаги давлат хизматлари кўрсатиши тизимини рақамлаштириш жараёнларини ўйғунлаштириш мақсадида 2021 йил 1 ноябрдан бошлаб бир қатор янги тартиблар ўрнатилади.

Хусусан, "Ижтимоий химояя реестри" ахборот тизимидаги рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гурух ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари марказлари вишига ягона интерактив давлат хизматлари портала орқали давлат хизматларини кўрсатишида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат божлари, йигимлар ва бошқа ҳар қандай тўловлар бўйича 50 фоиз миқдорида чегирма кўлланилади. Давлат хизматлари марказлари, "Лицензия" ахборот тизими ҳамда ўшбу портал орқали кўрсатиляётган давлат хизматлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатидан 3 иш кунидан ортиқ вактида кечитирилганда, ариза берувчиларнинг муроҷаатларига асосан хизматдан фойдаланиши учун тўланган давлат божлари, йигимлар ва бошқа ҳар қандай тўловларнинг 50 фоизи уларга 1 иш кунида қайтарилади.

Бундан ташқари, 2022 йил 1 январдан айрим давлат хизматларини кўрсатишида үндириладиган давлат божлари, йигимлар ва бошқа тўловлар миқдорлари камайтирилиши белгиланди.

2021 йил 1 декабрдан бошлаб чет элда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, хорижий жисмоний ва юридик шахслар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга электрон рақамли имзо калити сертификатларини Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консульлик мусассасалари томонидан бериш орқали электрон давлат хизматларидан фойдаланиши имкони яратилади.

Шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш тартибини янада соддалаштириш, муддатларини, талаб қилинадиган ҳужжатларни қисқартириш ҳамда рақамлаштириш бўйича "йўл ҳаритаси" тасдиқланади. Шу йил 1 декабрдан кадар 2022-2026 йилларда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини стратегияси ишлаб чиқилиади.

Фармонда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар бўйича ҳам вазифалар белгилаб берилиди. Жумладан, 2022 йил 1 январдан Тошкент шаҳрида, 2022 йил 1 июлдан эса бутун республика ҳудудида ўлними қай/қилиш композит хизматларидан тизими ўйлга кўйилади.

**Шуҳрат ИСЛОМОВ
тайёрлади.**

ТИЛАНЧИ БОЛА ҲАҚИҚАТИ

— Ёшим 12 да. 6-синфи тамомладим. Оилада катта фарзандман. Дадам бизни ташлаб кетган. Онамнинг эса тоби йўқ эди. Шунинг учун баллонларни көрайтириб берайми? — "Онам тайёрлаб берган ширинликдан сотиб олинг".

Охирги вақтларда кўчада шунга ўхшаш илинж, хитобларга тез-тез дуч келямиз. Мактаб ёшидаги ўғил-қизлар 2-3 минг сўм турдаги қозғос сочиликларини 5-6 мингдан пуллашади. Айримлар баллон қорайтириш баҳонасида хайдовидан пул ундиришга уринади. Буни қарангки, улар тақлиф этадиган хизматидан чиқиб кетиши керак бўлган мавзу эди!

Афсуски, ўзгариш бўлмади, қайтага, янги манзараларга кўзимиз, кўнглимиз ўрганиб бораяпти – энг ёмони шу!

Балаларни тиланчиликка жалб этиш – мажбурий меҳнат ва унинг учун жавобгарлик белгиланган.

Бир неча йил олдин болаларни пахта тегимига ёки шанбалик ишларига олиб чиқиб-ётгани мажбурий меҳнатга жалб қилиш, бола меҳнатидан фойдаланиш, деб кораланар эди.

Бугун мазкур холатларга чек кўйилди. Лекин бола ҳуқуқлари фақат пахта далаларидан ёки мактаб ховлисизда жавблон уришл

Адабиётимиздаги оғриқли ва шахсан менга ёқмайдиган жиҳатлардан бури – маҳаллийчилик.

11-avgust, chorshanba, 2021-yil.
№30 (32672)

ХОЗИР ЎҚУВЧИЛАР ЁЗУВЧИЛАРДАН КҮП КИТОБ ЎҚИЯПТИ...

ЁШ ЁЗУВЧИ ВА ЭССЕНАВИС ШЕРЗОД ОРТИКОВ БИЛАН СУҲБАТ



– Ёзувчилик касб эмас. Юрагида дарди, айтар сўзи, воқеа-ходисаларга ўз қарашлари ва муносабати бор одам ана шуларни қоғозга кўчиради. Сизни нималар ёзишига ундаиди?

– Тўғри, ёзувчилик касб бўлишдан кўра азиз ва табаррук нарса. Ёзувчи хаёт, жамият ҳамда инсонлар ўртасида муносабатларни ва воқеа-ходисаларни ўз кузатувчалиги, синчков қарашлари, шахсий фикри ва позицияси, тасаввuri ва хуносалари билан қоғозга кўчиради. Албатта, истеъод бу ерда бош мезон бўлади. Аммо шунда ҳам унинг юрагида дард ва кечинмаларида оғриқ бўлмаса, кўнгилдагидек ёзомлайди, ижоди сунъий ва сохта бўйл қолаверади.

Ремаркнинг асрлари муваффакияти шунда эдик, у уруш даҳшатларини ўз бошидан кечирганди. Шунинг учун асрлари омади чиққан десак бўлар. Маркес эса ўз она шахри Аракатадаги оғир ва дардли болалик хотираларини хаёлий замин Макондога кўчирди ва натижада Макондо инсониятнинг залварли дардлари таранумига айланди. Ойбек эса "Болалик" қиссасида ўзининг болаликдаги митти дардларини ўқувчига тасвирлаб берган.

Мени ҳам ичимдаги дардлар ёзишига ундаган. Деярли ўттиз ёшгача ёзганларидан кўнглум тўлмаган. Чунки уларда ўзим ифода этишини максад қиласдан дардни, юрагимни кемириб ётган оғрикларни сўздаги ва тасвиirlардаги ифодасини кўрмаганиман. Мен учун маълум маънода вақт ва тайёргарлик керак бўлди бунга эришиш учун. Бунинг самараси ўларок, охирги йилларда ёзилган "Отамнинг кабутарлари", "Орзу ортидан", "Маркеснинг китоби", "Баҳор якшанбаси" номли

хикояларим айнан таъсирчанилиги ва инсоний дард ифодаси кўлами кенглиги ҳамда ишонарлилиги хисобига этирофга сазовор бўлди, кўплаб дунё тилларига таржима қилинди.

– Ўзбек адабиёти ҳақида тақиидий фикрларингизни кўп ўқишимиз. Сизни нималар қониқтирмайди? Адабиёт сиз учун нима?

– Адабиёт – мен учун интиҳоси йўқ ошиқлик. Мен уни телбаларча севаман. Бу муболага эмас. Маркес қачонлардир бошқа нарса кўлимдан келмагани учун ёзувчи бўлганиман, деб тан олганди. Менинг касбим бор, албатта. Лекин тузукроқ юмуш ҳақида гап кетганида, менинг ҳам кўлимдан факат ёзиш келди, бутун меҳримини адабиётга берганман. У билан нафас оламан.

Замонавий ўзбек адабиётидан, тўғриси, кўнглум тўлмайди. Бизда ҳозир турғунилк даври кетяпти. Тўғри, ўшиш кўзга ташланапти, аммо жуда паст. Прозада ҳам, поэзияди ҳам шундай. Драматургия-ку театрнинг сийкаси чиқкан фонида бачканалашиб бўлди. Ҳатто, ўтган асрдаги адабиётимиз билан солиширга ҳозирги адабиётимиз киёфаси жудаям ағбор ва заъфарон тулояди менга. Ҳуш, бу нималарда ўз аксини топади?

Биринчи навбатда, адабиёти мизда профессионаллик ва ҳаваскорлик чегараси йўқолиб боряпти. Адабиёт ичida профессионаллардан кўра ҳаваскор ва графоманлар кўпайтилган. Колаверса, ёзувчи ва шоирлар максималист эмас. Бу, айниқса, ўшларда кўзга ташланади. Улар Үюшма томонидан биринчи китоби нашр қиласингач ва вақт ўтиб ўюшмага атзо ўлишагач, тамом, олдинга интилишмайди. Вазифа

шу билан бажарилади. Жаҳонга чиқиш, жаҳон адабиётида ўз ўрнига эга бўлиш, бир неча жилдик сайланмаларни нашр қиласиганда ўз олдига мақсад қилиб қўйиш, ўзидан кейин салмоқли адабий мерор қолдириши аксарияти ўйламайди ҳам.

Хозир китобхонлар ижодкорлардан кўп китоб ўқишияпти. Ижодкорларнинг аксариётида мутолаа маданияти шаклланган бўлса, лекин динамикаси суст, кўп факат ўзбек адабиёти билан чекланиб қолган, жаҳон адабиётидан тордаражада хабардор, кўлига олган асрлари арzon бестесселларлар. Энди ўйлаб қўринг: ёзувчи мунтазам равишда испан тилига ҳам ўғириш ниятидаман. Хозир шу тилин пухта ўзлаштириш жараёнидаман. **Муаллиф ўз асрларини ўзи таржима қилиши тарафдориман.**

Чунки чех бир таржимон унинг ўзичалик асари руҳиятини очиб бера олмайди ва асари ичига кира олмайди. Энди танганинг иккинчи томонини оламиз. Биздаги ёзувчиларда тил муаммоси анча долзарб. Ёш ижодкорларнинг кўпчилиги рус тилини билмайди. Инглиз тилиси ҳам ўлда-жўлда. Бундай шароитда улар қандай қилиб жаҳонга чиқишиади? Таржимонларга пулга таржима қиласиги. Фикримча, юртимида ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қиласиган бадий таржимонлар кам. Ўзбек тилидан испан тилига ўғирадиган бадий таржимонни эса кундузи чирок ёқиб топа олмайсиз.

Хорижий тилларни ўрганиш ўзбек ижодкорига нафақат, ҳалқаро адабий нашрлар эшигини очади, балки ҳалқаро конференция, фестиваль ва конгрессларда қатнашиш ва у ерда ўзбек адабиётини тарғиб қилиш, Ўзбекистонномидан маъруза қилиш, ўзбек адабиёти билан бирргалида ўзбек ижодкори деган ўз ҳалқаро имиджини яратиш имконини беради.

– Яқин кунларда китобхонларга қандай асрлар тақдим килиш ниятидасиз?

– Айни пайтда навбатдаги ҳикоялар китобим устида ишлайдигани у билан кетма-кет ижодий учрашув ва кўпиритилган тақдимотлар ўюширади. Давлат аппаратида ишлайдигани унга-бунга илтимос қилиб, даврасига қарашли бўлган бу зоти олийларига мукофот ундириб беради ва ҳоказо. Қарабисизки, адабиётимиз шу маҳаллийчиликка ихтиослашган клан ёрдамида яна битта сунъий асрар ва шуҳртаратар кўғирчиқ қаҳрамон билан бойитиди.

– Кўплаб ҳикоя ва эссларининг бошқа тилларга ўзингиз таржима қиласиз. Чет тилларни билиш, ўрганиш борасида қандай тасвияларнинг зор?

– Куни кечга шу ҳақида ўйладим. 2020 йилнинг май ойидаги Россиянинг "Топос" адабий журнали уруш хотиралари асосида ёзилган "Баҳор якшанбаси" номли ҳикоямни русчада нашр қиласиган. Ўша жаҳон адабиёти майдонига чиқишимга сабаб бўлди ва мана бир йил ичida 49 та хорижий давлатнинг турли номдаги адабий журналлари, газеталари ва сайтларида ўндан ортиқ ҳикоя ва эссларим 23 та тilda чоп



Шерзод Ортиков – 1985 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. 2005 йилда Фаргона политехника институтини тамомлаган. Илк муаллифлик китоби – "Куз симфонияси" 2020 йилда нашр этилган. Асрлари Бангладешда "World writers", Мисрда "Asia sings" ва "Mediterranean Waves", Ҳиндистонда "Emerging horizons", Канадада "Healing through verses" номли антология китобларида нашр этилган.

Ёзувчи "WLFRN" (тинчлик ва инсон хуқуқлари масалалари бўйича жаҳон адабиёти форумининг "Халқаро тинчлик элчиси", "Iqra foundation" ҳалиқаро Фондининг "Глобал тинчлик элчиси", "Тинчлик, гуманизм ва толерантлик учун" ва Мексиканинг "Cardenal" адабий журналининг "Ҳамкорлик учун" диплом ва сертификатлари, Ҳиндистоннинг "Mother Teresa International Foundation" ҳалиқаро фондининг "Она Тереза тинчлик мукофоти" билан тақдирланган.

етилди.

Ҳикояларимни кўпинча рус ва инглиз тилларига ўзим таржима киласаман. Фурсат ўтиб, мустакил равишда испан тилига ҳам ўғириш ниятидаман. Хозир шу тилин пухта ўзлаштириш жараёнидаман. **Муаллиф ўз асрларини ўзи таржима қилиши тарафдориман.**

Чунки чех бир таржимон унинг ўзичалик асари руҳиятини очиб бера олмайди ва асари ичига кира олмайди. Энди танганинг иккинчи томонини оламиз. Биздаги ёзувчиларда тил муаммоси анча долзарб. Ёш ижодкорларнинг кўпчилиги рус тилини билмайди. Инглиз тилиси ҳам ўлда-жўлда. Бундай шароитда улар қандай қилиб жаҳонга чиқишиади? Таржимонларга пулга таржима қиласиги. Фикримча, юртимида ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қиласиган бадий таржимонлар кам. Ўзбек тилидан испан тилига ўғирадиган бадий таржимонни эса кундузи чирок ёқиб топа олмайсиз.

Хорижий тилларни ўрганиш ўзбек ижодкорига нафақат, ҳалқаро адабий нашрлар эшигини очади, балки ҳалқаро конференция, фестиваль ва конгрессларда қатнашиш ва у ерда ўзбек адабиётини тарғиб қилиш, Ўзбекистонномидан маъруза қилиш, ўзбек адабиёти билан бирргалида ўзбек ижодкори деган ўз ҳалқаро имиджини яратиш имконини беради.

– Яқин кунларда китобхонларга қандай асрлар тақдим килиш ниятидасиз?

– Айни пайтда навбатдаги ҳикоялар китобим устида ишлайдигани у билан кетма-кет ижодий учрашув ва кўпиритилган тақдимотлар ўюширади. Давлат аппаратида ишлайдигани унга-бунга илтимос қилиб, даврасига қарашли бўлган бу зоти олийларига мукофот ундириб беради ва ҳоказо. Қарабисизки, адабиётимиз шу маҳаллийчиликка ихтиослашган клан ёрдамида яна битта сунъий асрар ва шуҳртаратар кўғирчиқ қаҳрамон билан бойитиди.

– Кўплаб ҳикоя ва эссларининг бошқа тилларга ўзингиз таржима қиласиз. Чет тилларни билиш, ўрганиш борасида қандай тасвияларнинг зор?

– Куни кечга шу ҳақида ўйладим. 2020 йилнинг май ойидаги Россиянинг "Топос" адабий журнали уруш хотиралари асосида ёзилган "Баҳор якшанбаси" номли ҳикоямни русчада нашр қиласиган. Ўша жаҳон адабиёти майдонига чиқишимга сабаб бўлди ва мана бир йил ичida 49 та хорижий давлатнинг турли номдаги адабий журналлари, газеталари ва сайтларида ўндан ортиқ ҳикоя ва эссларим 23 та тilda чоп

Биласизми?

МОБИЛЬ ГУРУХЛАРДА давлат мактабгача таълим хизматлари бепул кўрсатилиди



"Мобиъль гурухлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш тизимини янада ри вохжалтириши чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ҳукумат қарори (494-сон, 03.08.2021 й.) қабул қилинди.

→ Қарорга кўра, 2021-2022 ўқув йилидан республиканинг барча ҳудудларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) мобиъль гурухлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш тизими жорий этилади.

■ Қарор билан мактабгача таълим мобиъль гурухлар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

■ Мобиъль гурухлар замонавий талабларга жавоб берадиган ва белгиланган нормативларга мувофиқ қайта жиҳозланган маҳсус автотранспортлар – автобуслар базасида ташкил этилади.

■ Бир мобиъль гурухдаги болалар сони камида 16 нафар, кўпли билан 30 нафар бўлиши лозим.

■ Мобиъль гурухларга болалар сони камидан бериладиган йўлланмана;

■ бола соғлиғи тўғрисидаги тиббий маълумотнома.

■ Мобиъль гурухларда ўқув йили ҳар йили 2 сентябрдан келгуси йилнинг 31 майгача ҳамда ёзги соғломлаштириш даври 1 юндан 31 августгача ҳисобланади.

○ 1 сменадаги машғулотлар давомийлиги 3 соаттacha бўлиши лозим.

! Мобиъль гурухларда давлат мактабгача таълим хизматлари бепул кўрсатилиди.

→ Мобиъль гурухларнинг иш тартиби 1 кунда 3 сменагача, ҳафта давомида 6 кунгача амалга оширилиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, 2019 йил 18 сентябрдаги Ҳукумат қарорига асосан, 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, тегишили 13 та туманда замонавий талабларга жавоб берадиган ва қайта жиҳозланган ISUZU HC 40 автобусларида мобиъль гурухлар тажриба-синов тариқасида ташкил этилган.

ЯНГИ ТАРТИБ БЎЙИЧА ипотека кредитлари асосида қуриладиган ўйларнинг сони оширилди



Президент фармони (ПФ-6274-сон, 05.08.2021 й.) билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгариши ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган ўзгаришиларга мувофиқ, бозор таъмилларига асосланган ипотека кредитлари асосида ўй-жойларнинг қиймати ҳар йили Иқ

Карантин талабларини бажариш, ниқобда юриш, вакцина қабул қилишини замон талаб қилаётган экан, мутахассис ва шифокорлар маслаҳатига қатъий амал қиласли.



КАРАНТИН ВА ЧЕКЛОВЛАР ЮМШАТИЛДИ: ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

**Республика маҳсус
комиссиясининг
навбатдаги қарори
эълон қилинди. Унда
умумий овқатланиш
субъектларига пандемия
муносабати билан
қўйилган айрим чеклов
ва таъкилар юмшатилди,
вакцинацияга устуворлик
берилди.**

**Хўп. Ташаккур. Аммо,
нега ахвол шу даражага
келди?**

Биринчидан, аслида, бунга ўзимиз ҳам айбордормиз. Наҳор оши, аёллар базми ва кечки тадбирларда 300-400 ва ундан ҳам кўп одам қатнашетгани хеч кимга сир эмас. Маросим бўлаётган хонадонда карантин қоидларига умуман амал қилинмайди. Антицептик воситалардан фойдаланиши нари туурсин, хатто, бирор кишининг ниқобда юрганини ҳам кўрмайсиз. Бундай эҳтиётсизлик аслида ўзбекчилик, миллӣ

маданиятимизга ҳам тўғри келмайди! Иккинчидан, ҳукumat бошчилигидаги маҳсус комиссия иши мутлақо қониқарсиз бўлди. Карантин вактидаги фестиваллар ҳақида аввал газетамида ёзилган эди. Бундан ташқари, ҳаммага бир хил бўлмаган чекловлар мавзуи интернетни, медиа мухитимизни жунбушга келтириди. **Qalampir.uz** сайти журналисти билан боғлик воқеа эса тамомила янги мавзу

ва масалаларни қонун чиқарувчи орган олдига кўйди. Айнича, кескин танқидий чиқишилар қиладиган журналистга нисбатан бундай тухмат уюштирилган мутлақо тоқат қилиб бўлмас, жирканч воқеликдир.

Умуман, гап ахборот хуружлагида қарши турувчи медиа гурӯҳ яратиш зарурати ҳақида бормоқда. Чунки, орадан иккى кун ўтиб, эълон қилинган расмий баёноти ўша ёлғон тарқала бошлаган дастлабки соатларда ёки берса бўлар эди. Воқеа жойи аниқ, объект аниқ, нега иккى кунга чўзилди – **тушу нарсиз**.

Энг кизиги, шу воқеадан кейин умумий овқатланиш шахобчалиги қўйилган таъкик ва чекловлар олиб ташланди. Халқ орасида юмор тарқалди: **«Тошкент сити»-ни танқид қилишган эди, улар республика комиссияси қарорини ўзгаририши**. Изоҳлар, танбехлар, истеҳзоларда ҳақиқат учқунлари бўртиб турибди, аммо баралса шундай таъдига асос йўқ. Халқ эса ҳаммасини кўриб-билиб турибди – шуниси бор.

Майли, шу жойигача бўллари бўлди. Буётига ҳушер бўйлайлик. Карантин талабларини бажариш, ниқобда юриш, вакцина қабул қилишини замон талаб қилаётган экан, мутахассис ва шифокорлар маслаҳатига қатъий амал қиласли.

**Тўйчи Жангиров,
Шўрчи туманидаги 91-сонли
қишлоқ оиласи овлиевий поликлиника-
си раҳбари:**

— Мъалумки, коронавирус асосан ҳаво-томчи йўли орқали юқади. Бемор аксирганда, йўталганда ёки гапиргандан заарли микроблар ҳавога чиқиб, соглом одамнинг шиллиқ қатламларига ўтади. Шунинг учун ҳам тиббий ниқоб хасталик тарқалишининг олдини олишда мухим хисобланади.

Касаллис тана ҳароратининг ҳолатидан бўлсанади. Кўкрак қафасда оғриқ кучайди. Йўтал

ва хириллаш эшитилади. Айрим холларда нафас олиш кийинлашади. Жамоат жойларига боришдан сақланни керак. Кўпроқ суюқлик истеъмол қилиш фойда беради. Исимта кўтарилиши ва нафас қисилиши кузатиласа, зудлик билан шифокорга мурожаат қиласлан майқул.

**Баходир Тоғаев,
Олтинсой тумани,
ЎзДП фаоли:**

— Тўғрисини айтганда, одамлар никоб тақмай кўйди. Баъзилар лоқайд ва бепарво бўлса, айримлар бунга беписанд карайлати. Гоҳида ниқобни худди зирракдек кулоққа “тақиб” олган ёшларга кўзимиз тушади. Жагга – “илябог”, кўлга – “кўлбог”, бўйинга – “бўйинбог” қилиб юрганларни кўриб қоламиш. Дастрўмол сифатида чўнтақда саклайдиганлар топилади орамизда.

Одилжон Эшонов,

Термиз тумани,

“Сабзию” маҳалла аъзоси:
— Коронавирус одам танламас экан. Қайси дин ва қандай миллат бўлишдан қатъи назар, ҳаммада бирдек дахл килмоқда. Мутахассислар маслаҳатига амал килган холда доим ниқоб тақиб юардим. Лоқайдликми ёки бепарвоники, хуллас, баҳор ойларида касалликка чалиндим. Иккى кун ўтмай, хасталик турмуш ўтогум ва З нафар фарзандимга ҳам юқди. Ўша вактлардаги ҳолатин кўз олдимга келтирсан, ҳозир ҳам кўркиб кетаман. Таннинг зирқираб оғриши азоб берган бўлса, нафас олиш ниҳоятда мешақатли кечган. Буткул куч-кувватдан қолгандим. Холисизликдан лабларим пичирларди, холос. Тўғриси, хётадун умидим узиланди. Шифокорларнинг борига шукур. “Наҳот фаршишлари”нинг саъи-харакати билан соғлиғимиз тикланди.

**Абдумалик Ҳайдаров,
“Ўзбекистон овози” мухбири.**

**“Ўзсувтъминот”
АЖ тизимидағи
фойдаланувчи
ташкилотларни
маҳсус техникалар билан
таъминлаш мақсадида
тендерда қатнашишга
таклиф этади**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4936-сонли қарорининг 16-илювасига мувофиқ шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раёсатининг 2021 йил 1 мартағи 21-сон баёни билан тасдиқланган “Ўзсувтъминот” АЖ тизимидағи фойдаланувчи ташкилотларни маҳсус техникалар билан таъминлаш режаси (9-илюваси)га мувофиқ, республика бўйича жами 77 та маҳсус техника харид қилиниши бўйича тендер эълон қиласли.

Булар, авария тиклаш машинаси 20 дона, кран манипулятор (5 тн) 11 дона, ассенизация машинаси 14 дона, экскаватор-юритич 26 дона, гидродинамик тозалаш машинаси 5 дона, сув ташиш машинаси 1 дона.

Тендерда қатнашиш бўйича ўз таклифларингизни, ёпик конвертада иккى нусхада “Ўзсувтъминот” АЖ номига, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Богошибол кўчаси, 152 уй манзили бўйича тақдим этишлари лозим.

Тендерда қатнашиш учун таклифлар 2021 йил 25 август куни соат 16:45 га қадар қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (55) 503 12 55 (119), (97) 756 48 07. Тендер шартлари билан <http://dxarid.uzex.uz> сайтида батағсил танишингиз мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят Кенгаши жамоаси Хонқа туман кенгаши раиси Фуроз Ваисовга отаси

Аҳмаджон Ваисовнинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдадрлик билдиради.

ЭЪЛОН

АУДИТОРИК ҲИСОБОТИ

Мижоз ҳақида

Таъсис хуҷжатларига мувофиқ тўлиқ номи: "PLATINUM CREDIT PLUS" МЧЖ ломбард.

Юридик манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 156 "А", тел. (99871) 287-73-33.

Банк ва бошқа банк маълумотлар: асосий ҳисоб-рақам: 2021600900492798001; АТ "Халқ банк" Чилонзор филиали. МФО 00825, ИНН: 303428183, ОКЕД 6920.

Аудиторлик ташкилоти ҳақида

Аудиторлик ташкилотининг тўлиқ номи: «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти; (бунданд буён матнда “аудиторлик ташкилоти”, деб юритилади)

Юридик ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор массиви, 8/1/2, Индекс: 100003.

Аудиторлик лицензия: № 00747, лицензия берилган йил 01.04.2019. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан барча хўжалик юритувчи субъектларининг текширувларини ўтказиш учун берилган (илгарили лицензия 18.02.2008. Й № 00202-сон),

Банк ва бошқа маълумотлар: асосий ҳисоб-рақам: 2020800010413278001, ЦОРФ АК Ўзсаноатқурилишбанк, МФО: 00442; ИНН: 203677795, ОКЕД: 6920

Бош директор: Файзиева Муҳайё Тоиржоновна, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 18.12.2007 йилдаги 04490-сонли малака сертификати. (Амал қилиш муддати 18.12.2022 й. гача узайтирилган) Мен томонидан «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори Файзиева Муҳайё Тоиржоновна Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 18.12.2007 йилдаги 04490-сонли малака сертификатига асосан (амал қилиш муддати 18.12.2022 йилгача узайтирилган) 2021 йил 23 апрелдаги № 21-086-сонли аудиторлик хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ "PLATINUM CREDIT PLUS" МЧЖ ломбардининг 2020 йилнинг 1 январидан 31 декабргача бўлган давардаги молиявий ҳисоботлари

* 1-сонли шакл “баланс”;

* 2-сонли шакл “молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” шакллардан иборат бўлган ҳолда аудиторлик текшируви амалга оширилди.

Хўжалик юритувчи субъект бошқарувининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект бошқарувиниң хуҷжатларига мувофиқ ушбу молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва уларнинг ишончлилиги тъминлашда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Бухгалтерия ҳисоб ва ҳисоби ҳамда ички назорат тизими қоидаларига мувофиқ амалга оширади.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги бу унинг молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказиди. Аудиторлик текширувидан маъқсад молиявий ҳисоботларни бўйича ишончлилиги ва молиявий ҳисоботларни барча моддий жиҳатларни бўйича ишончлилиги тъминлашади.

Аудиторлик текшируви миллий стандартларига мувофиқ ўтказилди. Ушбу стандартлар аввало пухта режалаштирилган бўлиши ва молиявий ҳисоботларда хатолик ва бузуб ўзгартирishлар килинмаганлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини бахалошдан иборат.

Аудиторлик текшируви ўтказиш жараёни аввало аудиторлик далилларни олишга қаратилган.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллар молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ҳақида фикр билдириш учун етарли асослар беради, деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, 2020 йил 31 декабрь ҳолатига "PLATINUM CREDIT PLUS" МЧЖ ломбард тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳисоботлари барча моддий жиҳатларда унинг молиявий ҳолати, молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ишончли акс этириди ва Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

АКТИВЛАР	812 995
1. Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов хуҷжатлари	23 815
2. Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	1 094
3. Кредитлар	713 870
4. Асосий воситалар, соф	7 696
5. Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фойзлар	30 981
6. Кредит хисоб-китоблари давомида олинган активлар	-
7. Бошқа активлар	35 539
МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ	812 995 </td

«PAHTAKOR» — 79

11-avgust, chorshanba, 2021-yil.
№30 (32672)

17 ЎҒЛОННИ ЭСЛАБ...

Етмиш тўққизинчи йил. Ўн биринчи августан. Шу куни ўзбекистонликлар қалбини ларзага солган фалокат юз берди. Бутун бир жамоа — «Пахтакор» футбольчилари авиация халқатига учраб, самога юлдузек сочилиди. Авиаҳалокат Украинанинг Днепропетровскиски районидаги юз берган. Ўша ерлик қоровулнинг хотирлашича, ярим тунда осмон ёришиб, кучуни портлаш эшигилган. Ерга тушган темир-терсаклар ичида... у ёғини айтиш даҳшат...

Халқатдан уч кун илгари — 8 август куни «Пахтакор» — «Заря» (Ворошиловград) учрашуви бўлиб ўтган ва унда футбольчиларимиз 3:1 хисобда галаба қозонган эди. Ўшанда мухлислар пахтакорчиларни сўнгги бор кўраётганини билмасди. Кейинги беш турнинг тўрттасида галаба ва бир дурангга эришган «Пахтакор» навбатдаги учрашувни «Динамо» (Минск) билан ўтказиш керак эди. Афсус...

Марҳум пахтакорчиларни хотирлаганда уларнинг 1975-1979 йillardаги ажойиб ўйинлари ёдга тушади. Ўша кезлар Киев ва Тбилиси диномочиларининг довруни ошган давр эди. Улар чи-

роили ўйинлар кўрсатиб, Европа кубоги соҳиби бўлишган. Олег Блохин, Виктор Колотов, Леонид Буряк, Давид Кипиани, Александр Чевадзе, Владимир Гуцевларининг номи мавзуму машҳур эди. 1975 йили «Пахтакор» Киевнинг «Динамо» жамоасини икки бор маглубиятга учради — Украинада 1:0, Тошкентда 5:0. 1978 йилнинг бўлахорида Тошкентда «Динамо» (Тбилиси) билан ўтказилган учрашувни катта ёшдаги мухлислар яхши эслашади. Стадион футбол ишқозларни билан лиқ тўла. М.Ан, В.Фёдоров, Ю.Загуменнихларининг Д.Кипиани, М.Мачайдзе, О.Габелиялар билан чинакам «олишиб» ибошланди. Шу куни Европанинг номдор клуби таслим бўлди — 3:0.

«Пахтакор» — 79 ҳақида гап кетса, мухлислар хар бир футбольчининг номини армон билан тилга олишади. Тўпни майдоннинг исталган нуктасига аник етказиб берисда Михаил Анга тенг келадигани топлимасди, химоячи Олим Ашировдан ма-ман деган хужумчи ҳам хайқардай. Чакъонлик ва ажбиликда Владимири Фёдоровнинг олдига тушадигани ўйқ эди. Александр Корчёновни эса майдондаги меҳнаткашлиги учун ҳурмат қили-

шарди. Сергей Покатилов ажойиб дарвозабон эди, Шуҳрат Эшбўтаев ўзбекнинг Пелеси, дея эътироф этила бошлаганди.

1976 йил Фёдоров ва Ан Европа биринчилиги ўйинларида иштирок этиб, қитъа чемпиони бўлишиди. Ҳал қўйувчи учрашувда Владимир Фёдоров урган гол энг чиройли голлардан бирни сифатида эътироф этиди. Айнан ўша ўйинларда кўрсатган маҳорати туфайли Фёдоров сабик Иттифоқ олимпия терма жамоаси таркибига киритилди.

Халқатдан сўнг тез орада бутунлай янги жамоа тузилиди. Сафар учрашувидан кейин янги «Пахтакор»нинг Тошкентдаги биринчи ўйини «Динамо» (Тбилиси) билан кечди. Ҳамма стадионга ошиқлан. Бироқ илгаригидек хайқарилар йўқ. Ҳамма фамгин, маъюс. Ўйингоҳ лиқ тўла бўлишига

қарамай, тиқ этган овоз эшитилмайди. Кўзда ёш билин телевизорга термулганларни айтмайсизми?

Ўйингоҳ узра дикторнинг синик овози эшилиши билан ҳамма оёққа қалқиди. Ҳамма йиглади. Диктор номма-ном санади: Михаил Ан, Олимжон Аширов, Константин Баканов, Юрий Загуменних, Равиль Агишев, Александр Корчёнов, Николай Куликов, Сирохиддин Бозоров, Сергей Покатилов, Виктор Чуркин, Владимир Собиров, Владимир Фёдоров, Шуҳрат Эшбўтаев, Владимир Макаров, Идгай Тазетдинов, Мансур Толибжонов, Владимир Чумаков...

Ҳаммани армонда қолдириб, самога сочиленган 17 «юлдуз» шулар эди...

Равшан ШОДИЕВ.

„ЯНГИҚЎРҒОН СЕРВИС ҚУРУВЧИ“ ЮҚСАЛИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида қурувчи-пудратчи ташкилотларнинг ўрни бекиёс. Бизнинг бу галги қаҳрамонларимиз ана шу соҳа мутахассисларидир.



Намангандага бетакор иншотлар қурилишида иштирок этиб, ўз салоҳиятига эга бўлган, 2014 йил ноябрда ташкил этилган «Янгикўрғон сервис қурувчи» МЧЖ раҳбари, соҳа фидойини, Исоқжон Самиев томонидан ҳозир

ги кунга қадар турар-жой ва ижтимоий соҳа объектларини куриш тизимили йўлга кўйилган. Жамият ўтган йилларда «Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниеринг компанияси» ДУК буюртмасига асосан Тўракўргон тумани «Яккатор» МФЙда 120 ўринли бўғча, Намангандага юқсанадига асосан «Яксалиш» МФЙда 2 та 9 қаватли 72 хонадонли кўп қаватли уй, жамиятнинг ўз маблалари хисобидан «Уйчи» кўчасида савдо шаҳобчаларини ўз ичига камраб олган 9 қаватли 120 та хонадонли турар-жой биноси,


“Барча меҳнат жамоаларида бўлганидек, менинг жамоамда ҳам ўзининг ташаббускорлиги ва қатъий интизомга риоя қилувчи фидойи ходимларим бир талай. Нозимжон Убайдуллаев, Зайнiddин Нуриддинов, Шуҳрат Баҳромиддинов, Ашурбай Юсупов, Улуғбек Фаниев, Исоиро Исмаилов, Бобуржон Абдухалилов, Носир Мамадалиевлар янги ходимларга ўрнак бўлмоқда”, деб таъкидлади жамият раҳбари.

Исоқжон ака келгусида иш самарадорлигини ошириш ва иш кўлумини қенгайтириш мақсадида ишчи ўрнини 500 тага етказиб, кластер тизимини жорий этишини эзгу нияти қилган. У жамият қошида темир-бетон ва бетон махсулотлари ишлаб чиқариши йўлга кўймоқчи. Албатта, пухта ўйланган режалар келгусида корхона иқтисодиётига катта хисса қўшади.



Дилдора СУЛТОНОВА,
журналист.

REKLAMA O'RNIIDA



„Ровустон бетон“ МЧЖ ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Намангандаги вилоятининг шаҳар ва туманларида улкан бунёдкорлик ҳамда сабодонлаштириш ишларини жадал суръатларда амалга ошираётган яна бир соҳа вакили ҳакида сўз юритсан. «Ровустон бетон» МЧЖ раҳбари Баходир Мавлянов ҳам 2014 йилдан буён шаҳар ва қишлоқлар киёфаси тубдан ўзгариб, аҳолининг турмуш даражаси юқсалиб боришига мунособ хисса қўшаётгандардан биридир. У 15га яқин энг замонавий турар-жой ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этишда иштирок этди.

асосан Намангандаги шаҳар “Банкчилар” кўчасида” давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги маъмурӣ биносини қуриш, жамиятнинг ўз маблағлари хисобидан Намангандаги тумани “Кичик Тошбулоқ” МФЙда 5 қаватли 40 та хонадонли турар-жой, Намангандаги шаҳар “Навоий” массивида савдо ва майший хизматлар кўрсатиш шаҳобчасини ўз ичига камраб олган 9 қаватли 120 та хонадонли турар-жой биноси,

“Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниеринг компанияси” ДУК буюртмасига асосан Намангандаги тумани “Кичик Тошбулоқ” МФЙда 180 ўринни мактабгача таълим ташкилоти биносини қуришни ишларни нюхясига этимоқда.

Жамият аъзоларининг келгусидаги режалари ишчи ўрнинларини кўпайтириб, замонавий ва кўп қаватли бино ҳамда ишоотлар қурилишида фаол иштирок этиб, юрт равнаки учун мунособ хисса қўшиш.



Жамият фаоллари Муҳаммаджон исмаилов, Шерзодбек Жамалов, Мурод Мўминов, Мўмин Кадиров, Камолхон исамиддиновларининг ҳамжижатлиги туғайлиларинада ахиллик, барака бор.

Намангандаги вилояти “Қишлоқ қурилиши инжиниеринг компанияси” МЧЖ буюртмасига асосан Янгикўрғон тумани “Водий” массивида 4 қаватли 24 та хонадонли турар-жой биноси, “Намангандаги ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниеринг компанияси” буюртмасига

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEGA

Shuhrat ISLOMOV

Toshemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'lqin TO'RAXONOV

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Bonyodkor ko'chasi, 50 «A»-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 841. 20283 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

9772010 763008 >

QR-kodni telefononing орқали сканер килинг.

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqt — 21:25.

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер килинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxa